

# АҲОЛИНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

2023  
ДЕКАБРЬ

жами 2888 та  
респондент  
қатнашди



Декабрь ойида аҳолининг келгуси 12 ойлик  
инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан  
ўзгаришсиз сақланиб қолиб,  
**13,6** фоизни ташкил этди.



Инфляцион кутилмаларнинг омиллари (респондентлар улуши, фоизда)	2023											
	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен	окт	ноя	дек
Валюта курсининг ўзгариши	42	46	51	45	47	50	59	70	65	59	58	60
Ёқилғи ва энергия қимматлашиши	47	45	36	31	32	33	36	43	45	49	43	47
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	22	27	24	21	21	22	32	27	34	36	38	37
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	24	24	38	50	36	40	32	36	30	24	38	33
Нархларнинг сунъий оширилиши	37	38	18	40	36	34	32	32	33	30	31	33
Транспорт харажатларининг ошиши	36	35	27	23	21	20	21	22	23	29	26	29
Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши	32	28	31	30	25	25	24	23	26	25	24	24

Келгусида нархларга оширувчи босим  
кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар  
сифатида **ёқилғи ва энергия қимматлашиши**  
ҳамда **транспорт харажатларининг ошишини**  
қайд этиш ошган бўлса, **иш ҳақи** ва  
**нафақаларнинг оширилишини** омил сифатида  
белгилаш камайган.

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

2023  
ДЕКАБРЬ

жами 1548 та  
респондент  
қатнашди



Тадбиркорлик субъектларининг келгуси 12 ойлик инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан бироз ошиб, **13,7** фоизга тенг бўлди.



Инфляцион кутилмаларнинг омиллари	2023											
	янв	фев	мар	апр	май	июнь	июль	авг	сен	окт	ноя	дек
Валюта курсининг ўзгариши	44	48	50	43	44	55	60	71	68	62	61	62
Ёқилғи ва энергия қимматлашиши	38	46	33	29	30	32	37	38	42	47	40	42
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	21	25	34	41	36	39	33	30	29	24	37	34
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	20	25	21	18	20	21	29	24	31	37	38	33
Транспорт қимматлашиши	38	46	33	29	30	26	25	25	28	32	29	30
Солиқ юкининг юқорилиги	18	23	19	21	18	21	20	18	20	20	19	24
Хориждан хомашё етказиб беришдаги узилишлар	17	20	18	19	17	18	16	16	17	15	13	12

**Солиқ юкининг юқорилиги ва ёқилғи ҳамда энергия маҳсулотлари қимматлашишини** келгусида нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида белгилаш ошган бўлса, **иш ҳақи ва нафақалар** оширилиши ҳамда **коммунал хизматларларнинг қимматлашишини** омил сифатида қайд этиш камайган.



# ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР – СОҶАЛАР КЕСИМИДА

2023  
ДЕКАБРЬ

Респондентлар  
Аҳоли – 2888 та  
Тадбиркорлар – 1548 та



Аҳолининг энг юқори инфляцион кутилмалар **ахборот технологиялари** ва **қурилиш** соҳаларида фаолият олиб борадиган респондентлар томонидан қайд этилган бўлса, келгусида нархлар шаклланиши бўйича энг паст кутилмалар **кафе-ресторан** соҳасида кузатилди.



Тадбиркорлик субъектларининг энг юқори инфляцион кутилмалари **соғлиқни сақлаш** соҳаси ҳамда **хунармандлар** томонидан қайд этилган бўлса, энг паст инфляцион кутилмалар **қишлоқ хўжалиги** соҳасида кузатилди.



# ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР – ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА

2023  
ДЕКАБРЬ

Респондентлар  
Аҳоли – 2888 та  
Тадбиркорлар – 1548 та



Аҳоли инфляцион кутилмаларининг энг юқори кўрсаткичи **Тошкент шаҳри** ва **Самарқанд вилоятида** кузатилган бўлса, энг паст инфляцион кутилмалар **Қорақалпоғистон Республикасида** истиқомат қиладиган аҳоли томонидан қайд этилди.



Тадбиркорлик субъектларининг энг юқори инфляцион кутилмалари **Самарқанд вилояти** ва **Тошкент шаҳрида** кузатилган бўлса, энг паст кутилмалар **Қашқадарё вилоятида** фаолият олиб борадиган тарбиркорлар томонидан қайд этилди.


**2023**  
**ДЕКАБРЬ**

жами **2888** та  
респондент  
қатнашди

Даромадлари **5 млн.сўм ва ўндан юқори** бўлган аҳолининг инфляцион кутилмалари республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори даражада шаклланди.



Худудлар кесимида аҳолининг инфляцион кутилмалар бўйича жавоблар тақсимоти




# СЕЗИЛГАН ИНФЛЯЦИЯ ОМИЛЛАРИ (АҲОЛИ)



2023  
ДЕКАБРЬ

жами 2888 та  
респондент  
қатнашди

Ўтказилган сўровлар натижасига кўра декабрь ойида аҳоли томонидан сезилган инфляция даражаси ўтган ойга нисбатан бироз тезлашиб, **13,1** фоизни ташкил этди.




Энг юқори сезилган инфляция даражаси **ахборот технологиялари** соҳасида фаолият олиб борадиган респондентлар томонидан қайд этилган бўлса, энг паст сезилган инфляция даражаси **кафе-ресторан** соҳасида кўзатилади.

2023  
ДЕКАБРЬ

жами 2888 та  
респондент  
қатнашди

Ноябрь-декабрь ойларида аҳоли томонидан  
нархларида юқори ўсиш кузатилган асосий  
турдаги товар ва хизматлар




# СЕЗИЛГАН ИНФЛЯЦИЯ ОМИЛЛАРИ (АҲОЛИ)



2023  
ДЕКАБРЬ

жами 2888 та  
респондент  
қатнашди

Сезилган инфляция даражасининг энг юқори кўрсаткичи **Тошкент шаҳри** ва **Самарқанд вилоятида** истиқомат қиладиган аҳоли томонидан қайд этилган бўлса, энг паст сезилган инфляция даражаси **Қорақалпоғистон Республикасида** кузатилди.



Даромадлари **5 млн.сўм ва ўндан юқори** бўлган аҳолининг сезилган инфляция даражаси республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори даражада шаклланди.